



---

CONTINUITY CONJUNCTIONS OF PARAGENETIC LANDSCAPES

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10429223>

**Kholikov R.Y**

*Fergana State University*

*Professor of the Department of geography*

**ABSTRACT**

the article examines the influence of the relations between mountain-valley paragenetic landscapes on morological changes.

**Key words**

paragenetic landscape, geopara, substance migration, geochemical processes.

**ПАРАГЕНЕТИК ЛАНДШАФТЛАРНИНГ УЗАРО БОГЛИКЛИГИ  
КОНУНИЯТЛАРИ**

**Р.Й.Холиков**

*Фаргона давлат университети*

*География кафедраси профессори*

**АННОТАЦИЯ**

мақолада тоғ-водий парагенетик ландшафтлари ўртасидаги алоқаларнинг морфологик ўзгаришларига таъсири масалалари ўрганилган.

**Калит сўзлар**

парагенетик ландшафт, геопара, моддалар миграцияси, геохимёвий жараёнлар.

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье изучены связи горно-долинных парагенетических ландшафтов и их влияние на морфологическую структуру.

**Ключевые слова**

парагенетический ландшафт, геопара, миграция элементов, геохимические процессы.

**Кириш.** Турли кўламдаги парагенетик ландшафтларни тадқиқ этиш, улар ўртасидаги модда ва энергия айланиши билан боғлиқ бўлган ўзаро алоқаларни аниқлаш, унинг экологик оқибатларини, ландшафтлар динамикасига таъсирини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу масалалар



билан Ф.Н.Мильков (1966,1970,1977,1981), В.В.Козин (1974,1977,1979), А.Ю.Ретеюм (1972,1977), С.В.Михель (2002); Ўзбекистонлик олимлардан А.Абдулқосимов (1977,1993), Л.А.Алибеков (2006), К.С.Ярашев (2008,2018,2022), Р.Ў.Холиқов (2014,2018,2020,2021), М.Джўраев (2021,2022)лар шуғулланганлар.

**Асосий қисм.** Тоғ-водий парагенетик комплекслари регионал парагенетик тизимлар бўлиб, географик қобикдаги модда ва энергия алмашинуви жараёнларининг материк звеноси ҳисобланади.

Келиб чиқиши бир хил жараёнлар билан боғлиқ бўлган тоғ-водий яъни геопара парагенетик тизимлари ландшафтларнинг ҳудудий йиғиндиси бўлиб уларда қарама-қарши яъни турли позицияда жойлашган ҳудудий комплексларнинг ўзаро алоқалари содир бўлади.

Тоғ-водий парагенетик ландшафтларининг ўзаро алоқаларидаги энергетик омил қуёш иссиқлиги бўлиб ер юзасига етиб келиши билан унинг трансформацияси ҳосил бўлади. Бирламчи энергетик жараёнлар юқори позицияни эгалловчи тоғларда иссиқлик энергиясини механик энергияга айланишига ва сув оқимининг ҳосил бўлиши натижасида кимёвий энергияга айланади. Ушбу жараён тоғ-водий парагенетик ландшафтлари ўртасидаги бирламчи алоқаларни ҳосил қилади. Гравитация жараёнлари ҳам тоғ-водий парагенетик тизимларида элювиол, делювиал, пролювиал ва аллювиал ётқизикларни маконий жойланишига сабаб бўлади.

Л.А.Алибековнинг [1.111-113 б] таъкидлашига кўра геопарада вақтга алоҳида эътибор бериш лозим чунки, кичик миқдор бўйича натижалар юз минг йиллар давомида улар тоғ олди текисликлари (шлейфлар), деллювиал қопламалар, конуссимон ёйилмалар, дельта ётқизиклари, флора ва фауна кўринишида намоён бўлади.

Фарғона водийсини ўраб олган тоғлар ва улар орасидаги текисликлар тоғ-водий парагенетик ландшафтларини ҳосил қилиб, улар ўртасидаги миграцион алоқалар уларнинг позицияни жойлашувига қараб амалга ошади. Бунда асосий омил гидрологик жараёнлар бўлиб, шунга кўра хавзавий парагенетик тизимлар дейилади. Л.А. Алибеков томонидан Ўрта Осиё тоғ ва текислик геопараларида ўтказган тадқиқотларига кўра улардаги моддаларнинг айланма ҳаракатини умумий миқдорини аниқлашда қуйидаги формулани тавсия этади.

$$M = P \cdot h \cdot v \cdot n \cdot L$$

Бу ерда М-умумий ҳаракат т/йил

Р-муаллоқ ҳавонинг ўртача зичлиги г/м<sup>3</sup>

h- ер юзасидаги ҳаво қатламнинг баландлиги

V-ер юзаси ҳавосида шамолларнинг ўртача йиллик тезлиги м/сек



N-танланган йўналишларда шамолнинг такрорланиши.

L-тоғ ва текислик ўртасидаги чегаранинг узунлиги

Тоғ-водий парагенетик тизимлари ўртасида моддалар миграциясининг бир неча тизимларида кимёвий элементлар юқоридан пастга томон жадал харакатланади ва бунда рельефнинг контрастлиги муҳимдир. Шунга кўра сувайрғичлардан бошланиб то текисликларни ҳудудигача бўлган масофаларда жойлашган парагенетик тизимларни ҳавзавий парагенетик тизимлар деб номлаш мумкин, чунки Ф.Н.Мильков (1981) томонидан дарё ҳавзаларини алоҳида парагенетик тизимлар сифатида ажратади. Шунингдек А.А.Глотовнинг (2013) фикрига кўра ҳам дарё водий парагенетик ландшафтларини ҳавзавий ландшафт тузилмалари деб ҳисоблайди.

Парагенетик ландшафтларнинг поғонавий тизимида тоғ-водий парагенетик тизим 2 та ярусни ташкил этади яъни тоғ ва текислик яруси. Тоғ-водий парагенетик ландшафтларнинг ўзаро боғлиқлиги қонуниятларини очиб беришда ҳавзавий ёндашув муҳим аҳамиятга эгадир. Шунга кўра Т.В.Берегина (2001) парагенетик ландшафтларни тадқиқот этишда ҳавзавий ёндашувга асосланади.

Тоғ-водий парагенетик ландшафтларининг ўзаро боғлиқлиги қонуниятлари кўп жихатдан ландшафтлардаги вертикал ва горизонтал алоқалар қонуниятларига мос келади. Бу қонуниятга асосан А.С.Горбунов (2002) парагенетик ландшафтлар кўламида баландлик ландшафтларини водий ва дарёлар оралиғи турларини ажратади.

А.Г.Исаченко (1991) ландшафтлар ўртасидаги вертикал ва горизонтал алоқаларни ички алоқаларнинг 2 та типи деб ҳисоблайди. Шунингдек вертикал ва горизонтал алоқалар ландшафтларда ўрнига келадиган ва келмайдиган ўзгаришларни юзага келтиради дейди.

Тоғ-водий парагенетик ландшафтларида бизнингча кўпроқ ўрнига келмайдиган ўзгаришлар рўй беради. Ва бу тоғдан текисликка доимий модда ва энергия оқими билан боғлиқдир. Парагенетик ландшафтлардаги моддалар оқимининг миграцияси уларнинг функционал динамик хусусиятлари ҳисобланади шунга кўра парагенетик ландшафтлар тизимида унинг морфологик қисмлар функционал-динамик жараёнлар туфайли доимо ўзгариб боради. Бундай жараёнларни парагенетик ландшафтлар тизимида ўрганиш моддаларнинг кириш ва чиқиш баланисини аниқлашга хизмат қилади. [Р.Й. Холиқов ,2020]



**ФҶЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Л.А.Алибеков Тоғ ва текистлик ўртасида моддаларнинг айланиб юриши қонунияти ҳақида. Ўзбекистон География жамияти XII съезди материаллари. Тошкент 2006 й 111-1130 б.

2. А.А.Глотов Геоинформационное моделирование эволюции долинно-речных ландшафтов Воронежской области тем. дисс. автореф. по ВАК РФ 25.00.23 кандидат геогр. наук. Воронеж 2013.

3. А.С. Горбунов Вертикальная дифференциация ландшафтов лесостепной зоны мелового юга Среднерусской возвышенности тем. дисс. автореф. по ВАК Р.Ф. 25.0023 кандидат геогр. Наук. Воронеж. 2002.

4. А.Г. Исаченко Ландшафтоведение и физико-географическое районирование. Москва «Высшая школа», 1991 366с.

5. Ф.Н.Мильков Бассейн реки как пардинамическая система и вопросы природопользования /Ф.Н.Мильков //География и природные ресурсы.- 1981.№4.-с 11-18.

6. R.HOLIKOV, M.DJURAEV. R.E.CLAMANION STATUS OF PAR-GENETIC LANDSCAPES OF THE SOUTHERN FERGANA HILLS ANDITS CHANGES. ACADEMICA An Interatiooi Multidisciplinary veseaech. Journak rol/ 10. Lssue //noembr 2020.

7. Холиқов, Р. Ё. (2023). МАРКАЗИЙ ФАРҶОНА ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ БИОҚИМЁВИЙ ҲУСУСИЯТЛАРИ. SO 'NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI, 6(12), 304-307.

8. Холиқов, Р. Ё. (2023). САКРАЛ ЛАНДШАФТЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ. PEDAGOG, 6(12), 1-6.

9. Kholikov, R. Y. (2023). THE ROLE OF CLIMATIC FACTORS IN THE FORMATION OF MOUNTAIN-VALLEY PARAGENETIC LANDSCAPES. IMRAS, 6(7), 647-654.

10. Isomiddinovich A. O., Yigitaliyevich X. R. Territorial Structure and Stability of Ecological Framework //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – Т. 29. – №. 2. – С. 462-467.

11. Xoliqov R. Y., Dexkanbayeva M. N. Sacral landscapes as objects of religious tourism and recreation //Экономика и социум. – 2019. – №. 10 (65). – С. 467-470.

12. Xolikov, R., & Qo'chqarov, O. (2021, July). BASIC PRINCIPLES OF URBANEKOLOGICAL TERRITORIAL ORGANIZATION OF URBAN DEVELOPMENT. In Конференции.

13. Холиқов, Р., & Қўчқаров, О. (2021). BASIC PRINCIPLES OF URBANEKOLOGICAL TERRITORIAL ORGANIZATION OF URBAN



---

DEVELOPMENT: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1326>. In RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES (No. 18.06).

14. Xolikov, R., & Qo'chqarov, O. (2023). SHAHARLAR TUPROQLARINING TEXNOGEN IFLOSLANISHI VA UNING EKOLOGIK OQIBATLARI. Scientific journal of the Fergana State University, (1), 183-183.

15. Холиқов, Р. Ё. (2022). ТОҒ-ВОДИЙ ПАРАГЕНЕТИК ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ ҚОНУНИЯТЛАРИ. О'ЗБЕКISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(14), 410-412.

16. Холиқов, Р. Ё. (2022). ТОҒ-ТЕКИСЛИК ПАРАГЕНЕТИК ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ ЧЕГАРАЛАРИ ҲАҚИДА. О'ЗБЕКISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(14), 413-415.

17.